O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Ислом КАРИМОВ:**

**ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ БАРКАМОЛ, РУҲАН ТЕТИК, МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН, ЗАМОНАСИНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ТАЛАБЛАРИГА МОС, КАСБ-КОР МАҲОРАТИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН, ҒУРУРИ БАЛАНД, ИЙМОНИ БУТУН, ИРОДАСИ БАҚУВВАТ, ЧИНАКАМ ВАТАНПАРВАР, ИНСОФЛИ ВА ОРИЯТЛИ ИНСОНЛАР ҚЎЛИДА ДЕБ АЙТСАК, АСЛО МУБОЛАҒА БЎЛМАС.**

МУСТАҚИЛЛИК 1991 9 2000

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❐ GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

2000 ЙИЛ ❐ 15 ИЮЛЬ ❐ ШАНБА
№ 80 (26630)

**МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ СУҲБАТЛАР**

## ҲАЁТИМНИНГ УНУТИЛМАС КУНЛАРИ

**Элмирза АБДУЛЛАЕВ, «Қизилтепагеология» Давлат геология корхонасининг қидирув экспедицияси бошлиғи:**



— Биз асосий қидирув ишларини марказий Қизилқумда олиб борамиз. Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Бухоро ҳудудлари узра чўзилган саҳрода нодир ва номаъдан металлар конини қидириб топиш билан шуғулланамиз. Қаҳратон совуғи-ю, саратон офтобида юртимиз ерости бойликлари, табиий ресурсларини қидираётган ҳамкасбларимнинг кўнглида юртимизнинг эртасига ишонч, бугунидан шукроналик бор десам хато қилмайман. Чунки мамлакатимиз ерости бойликлари жуда кўплиги, ҳали қанчалаб очилмаган, ўрганилмаган конлар мавжудлигини биз, геологлар яхши биламиз.

Бир қараганда қип-қизил саҳро бўлиб ястанган Қизилқум бағридаги синоатларни бошқа соҳанинг одамлари англамасликлари мумкин. Лекин минг-минглаб йиллар илгари шу биёбон ўрнида тоғлар қад ростлаган, уммонлар мавжуд бўлган. Вақт ўтиб емирилишлар натижасида улар текисликка айланган. Яъни, шу чўл-кенглик ўз қаърида битмас-туганмас бойликларни яшириб ётибди. Бу бугунги ва келажак авлодларнинг бойлиги, миллатимизга сахий заминимиз тортиқ этажак улкан меросдир.

Ер юзида давлатлар кўп. Лекин манаман деган қудратли мамлакатлар орасида юртимиз ерости табиий бойликлари кўплиги жиҳатдан жаҳондан ишончли ва олд ўринни эгаллаганини фахр билан айтишим керак. Чунончи дунёда тасдиқланган олтин заҳиралари бўйича тўртинчи, уни қазиб чиқариш бўйича тўққизинчи ўринни эгаллайди. Кумуш, углеводород заҳиралари ҳам дунё миқёсида қаралганда анча юқори даражада. Жаҳон харитасида Ўзбекистон каби бағрида 100 турга яқин минерал хомашё мавжуд давлат жуда-жуда кам, яъни саноқли.

Мустақиллик йилларида 60 дан ортиқ янги кон ахтариб топилди. Бу катта гап. Иқтисодий баркамолликни ўйлаб сиёсат юритаётган мамлакатдагина шундай бўлади. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, кончилик ишларини ташлаб қўймади, бильакс бор имконият билан мислсиз миқёсда ривожлантирди.

Собиқ СССР тарқалиб кетгач, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида ўша пайтда фақат Ўзбекистон давлати ўз геологиясини сақлаб қолди. Бу соҳани сақлаб қолиш ва тараққий эттириш учун маблағ топиб бера олди. Бундан ташқари .чет эл сармоялари жалб қилинди. «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ташкил қилинди. Бу корхона энг замонавий усулда олтин қазиб олаяпти. Доғистов ва Омонтойтов олтин маъданли конларида «Омонтойтов-Голдфилс» қўшма корхонаси ишга туширилади.

Мана шу ўзгаришлардан биз каби геологлар меҳнатимиз қадрланаётгани ва шу Ватанга керак эканлигимизни ҳис қиламиз.

Мен ўз кўзим билан кўриб, тасаввурим сиғдира олган ҳодисаларга ишонаман. Истиқлол бизнинг соҳамизда ҳам кескин ўзгаришлар ясади. Юксалаётганимизни, тараққий этаётганимизни ўз кўзим билан кўриб турибман. Бу кунлар, тасаввуримни ёритган шу чоғлар ҳаётимнинг унутилмас кунларидир.

**Рукн учун масъуллар:**
**Норбобо ШАКАРОВ, Қўчқор НОРҚОБИЛ**

## ТАРҒИБОТ ИЗЧИЛ БЎЛСИН

XX асрнинг сўнгги ўн йили халқимиз тарихига алоҳида ва тамоман ўзига хос давр сифатида киради. Мустақиллик мамлакат аҳлининг чинакам ҳур ва эркин ҳаёт, ўз тақдири ва келажаги учун ўзи курашиш моҳиятини теран англаши, яратиш завқини тўла ҳис этиши учун имкон яратди.

Тўққиз йилда босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган улкан ютуқлар самараларини йиллар ўтгани сари янада чуқурроқ тушуна борамиз. Бугун шулар айнан нималардан иборат эканлиги, биз қандай жамият ва давлатдан воз кечиб, ўрнига қандай жамият ва давлат барпо этаётганимизни кенг аҳоли қатламларига ҳар тарафлама тушунтириш жуда зарур эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки ҳаёт ўзгаряпти, замон янгиланяпти, жамият ҳар куни бошқа бир даражага кўтарилиб боряпти-ю, буни биров сезиб, биров сезмай қоляпти. Инсон жамият аъзоси экан, унинг онг-тафаккури ҳам жамият билан бирга ривожланиб бориши керак.

Демак, бугун онгни янгилаш, уни эски тасаввурлардан фориғ этиш — туб мақсадлардан. Бунга эса ўз-ўзича эришилмайди.

Президент Ислом Каримовнинг 1999 йил 3 сентябрда қабул қилинган Фармонига асосан ташкил топган республика Маънавият ва маърифат кенгаши мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни уйғунлаштириш вазифасини бажаряпти.

Кенгашнинг яқинда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Маънавият ва маърифат кенгашлари масъул котиблари — республика «Маънавият ва маърифат» марказининг шу жойлардаги бўлимлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишида айнан мустақилликнинг 9 йиллигини халқ ўртасида кенг тарғиб қилиш йўл-йўриқлари ва бу борадаги вазифалар муҳокама этилди.

Аввало, истиқлолни тарғиб-ташвиқ этиш, эришилган ютуқларимиз моҳияти ва келажак учун аҳамиятини ҳаётий мисоллар, таҳлиллар асосида тушунтириш фақат байрамгача бўлган даврда қилинадиган мавсумий вазифалар сирасига кирмаслиги, бу доимий ва мунтазам амалга ошириладиган муҳим иш эканлиги таъкидланди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурида ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тузилган жамоатчи тарғиботчилар гуруҳларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда, бу ҳудудларнинг турли туманларида март-июнь ойларида бўлиб, кенг аҳоли ўртасида олиб борган суҳбат ва мулоқот, учрашув ва маърузаларнинг таъсирчанлиги, ҳаётийлиги айтилиб, бу самарали йўлни давом эттириш, таниқли зиёлилар, санъаткорлардан ташкил топган шундай гуруҳларни жойларга жўнатиш режаси маъқулланди.

■ **Наргиза ЙЎЛДОШЕВА**





*Яқинда Сурхондарёдан, Андижондан пахта лўппидек очилганлиги ҳақида қувончли муждалар келганди. Бугун эса Наманган туманидаги «Ипакчилик» ширкат хўжалигида пахта очилибди.*

*Суратда: илғор пудратчи Икромжон Содиқов.*

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

DAVIS CUP by NEC

## ТЕННИСГА ЭЪТИБОР КАТТА ЭКАН





Шу кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро теннис федерацияси (ITF) президенти Франческо Ричи Бити Девис кубоги учун учрашувга бағишланган матбуот йиғилишида ана шундай фикр билдирди. У бир йил аввал халқаро федерациянинг йиғилишида президентликка сайланган эди. Ўзининг дастлабки сафарларидан бирини Ўрта Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга қилганлиги биз учун фахрлидир. Президентнинг таъкидлашига қараганда, у қадимий ва навқирон Самарқандни бориб кўрган ҳамда болаларнинг теннисга ошуфталигидан бағоят таъсирланган. Юртимизда спортнинг бу турига алоҳида аҳамият берилаётганини, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш йўлида саъй-ҳаракат қилинаётгани таҳсинга лойиқ, деб таъкидлади у. Бир сўз билан айтганда, шу кунларда Тошкентда яна катта теннис нафаси эсмоқда. Юртдошларимиз учинчи марта Девис кубоги учун курашнинг жаҳон лигасига ўтиш ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида баҳслашадилар. Ташланган қуръага кўра кеча Ўзбекистон Миллий банки теннис майдонларида В. Куценко — С. Шалкин, О. Огородов — Р. Крайчеклар ўзаро куч синашдилар. Бугун жуфтликлар ўртасида баҳслар бўлади. Теннисчиларимиз Голландия жамоаси билан баҳсда астойдил бўлишга ҳаракат қиладилар, деган умиддамиз.

■ **Зулфия АХРОРОВА**

**ЙИЛ ОЙ КУН**

## ЕРЛАР РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛАДИ



***Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси мамлакатимиздаги фойдаланиладиган барча ерларни рўйхатдан ўтказишга киришади. Шу муносабат билан қўмита мутахассислари «Ўздаверлойиҳа» институти ходимлари билан биргаликда махсус дастур ишлаб чиқдилар, — деб хабар қилади «Туркистон-пресс» мухбири.***

Қўмита назорат инспекцияси раҳбари Муҳтор Шожалиловнинг таъкидлашича, ерларни айнан бугун рўйхатдан ўтказиш зарурияти ерлардан тўлиқ солиқ ундиришни йўлга қўйиш эҳтиёжидан келиб чиқди. Шунингдек, рўйхатдан ўтказишдан бошқа бир неча мақсадлар ҳам кўзда тутилмоқда: яъни, ер майдонларининг ҳақиқий ҳажмини, қишлоқ хўжалик ерларининг сифатини аниқлаш, ўзлаштирилиши мумкин бўлган ички заҳираларни аниқлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини белгилаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш зарур бўлган майдонларни аниқлаш, кадастр ишларини бажариш ва паспортлаштириш учун тегишли шароитларни тайёрлашдан иборат.

Дастурга мувофиқ туман маъмурий чегараси ичида жойлашган давлат, ширкат, деҳқон, фермер, жамоа корхоналари, муассасалари, ташкилотларида, улар қайси ҳуқуқий идораларга бўйсунишидан қатъи назар, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки фуқароларга ижарага берилган барча ерлар, шунингдек, заҳирадаги ерлар ҳам бевосита қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлади.

Бу тадбирнинг асосий қисми 2 ой мобайнида амалга оширилади.

**Қимматли қоғозлар бозорида:**

**Кеча FOREX жаҳон бозорида асосий валюталар курси қуйидагича баҳоланди** *(куннинг биринчи ярмида):*

**Евро/Доллар = 0,9589**
**Доллар/иена = 107,82**
**Доллар/Шв. франк = 1.6823**
**Доллар/Фунт = 0,6893**




## ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эътироф этиш ёки уларнинг фаолиятини тўхтатиш нечоғли оғир бўлмасин, бу бозор иқтисодиёти талабидир.

Аммо банкротлик номигагина бўлмаслиги зарур, бу ишнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётини, айниқса унинг муҳим тармоқларини бошқа корхоналарнинг ишига тўсқинлик қилаётган, демакки бутун иқтисодиётни орқага тортаётган хўжалик юритувчи субъектлардан холи қилиш билан биргаликда, банкротликдан сўнг корхона янги ҳаётни бошлаши, талаб катта бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўя олиши зарур.

1999 йилда жами **995** та корхона банкрот деб эълон қилинди. Бу — 1998 йилдагига нисбатан **548** та кўп демакдир. Банкрот бўлган корхоналарнинг **2** миллиард сўмликдан зиёд мол-мулки савдога қўйилди. Кредиторларнинг **837** миллион **500** минг сўмлик қарзи ундириб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса хўжалик судлари томонидан тўловга лаёқатсиз **553** корхона банкрот деб эълон қилинди, **438** корхонада ишлаб чиқаришни тугатиш якунланди.

■ **Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади.**

**МУЛОҲАЗА**

## САНДИҚДАГИ «ЁРЛИҚ»ЛАР

Бир танишим ўзича куюнган бўлди: «Йиғилишга таклиф қилишган экан, бордим. Мажлис сўнггида фаолларга мукофотлар топширишди. Менга ҳам шапалоқдек қоғоз беришди».

«Шапалоқдек қоғоз» — Фахрий ёрлиқ экан. Давлатимиз байроғи акси туширилган, жуда кўримли ёрлиқ. Жавонда ёки деворда осиб қўйишга арзигулик.

Танишимнинг «куюниши» сабаби бошқа ёқда: «Бунинг ўрнига бирор қимматбаҳо совға беришса бўлармиди. Ахир шундай совғалар бераётган ташкилотлар кўп-ку?!»

Мен бошқа нарсани ўйладим. Раҳматлик отам иккинчи жаҳон урушида Берлингача жанг қилиб борган киши эди. Бизга қолган хотира — бир неча жанговар медаллари ва қўмондонлик номидан тақдим қилинган «Ёрлиқ». Бу хотира — бизга ота мерос. Олтин мерос! Отамнинг айтганларини эслайман: «Бир жангдан сўнг артиллерия командири ҳаммамизни йиғиб миннатдорчилик билдирди. Жангда жасорат кўрсатганларга мукофотлар топширди. Бировга бир бўлак совун, кимгадир бир қути чой тегди. Менга эса «Ёрлиқ» беришди... Ўшанда яхшиям шу «Ёрлиқ»ни олган эканман. Энди авлодларга менинг жанговар ҳаётимдан ёдгорлик бўлади. Совун дегани баданни бир-икки ювишда тўзийди, чой кўпчилик билан ичилиб кетади-да...»

Ростини айтиш керак, сўнгги вақтларда мукофотлашларда аксар кишилар «Ёрлиқ»дан кўра икки метр матони ёки бир халта ширинликни афзал кўришадиган бўлиб қолишган. Тўғри, мукофотлаш яхши. Киши меҳнатига яраша маънавий қувват олади. Аммо ана шу мукофотлашда маънавий озуқа эмас, моддий мулк биринчи ўринга чиқса-чи?

... Шахсий кутубхонамда сарғайиб кеттан бир китобча бор. Саккизинчи синфни аъло баҳоларга тугатганим учун мактаб маъмурияти томонидан берилган.

Очиғини айтиш керак, мазкур анъана ҳозир деярли унут бўлган. Ёш кўнгилга маънан озуқа берадиган, уни умр бўйи руҳан қўллаб турадиган бир оғиз яхши сўз, бир парча «Мақтов ёрлиғи» ёки эсдалик учун берилган китоб қанчалик зарур! Биз эса ёшларни китоб ўқимасликда, турли кўнгилочар томоша-киноларга қизиқиб кетганликда айблашдан нарига ўтмаймиз.

... Бир куни бир қария нолиб қолди: «Ўз даврида бизлар ҳам роса ишлаганмиз. Ҳукумат менгада «Ёрлиқ»лар берган!» дейди у. ҳақлигини, ҳақиқатда яхши ишлаганини исботлаш учун. Ўша қариянинг уйига йўлим тушди. Қария ёғоч сандиқни очиб, унда атлас матога авайлаб ўраб, сақлаб келаётган бир қатор «Ёрлиқ»ларини кўрсатди. Қариянинг ҳар бир «Ёрлиқ»ни қачон, нима учун, қаерда олгани, кимлар топширгани ҳақдаги мароқли суҳбатининг ўзи бир тарих эди. Яшаб ўтилган умрнинг мазмуни эди бу «Ёрлиқ» қоғозлари...

Навбатдаги байрам тадбири арафасида раис дилидагини тўкиб солди: «Анъанага кўра байрамга таклиф қилинган фаолларимиз, кекса аъзоларимиздан бир гуруҳига мукофотлар топширишимиз керак. Лекин ҳисоб рақамимизда пулимиз озлигидан айрим ҳомий ташкилотлардан хайрия сўрашга мажбурмиз. Чунки «Фахрий ёрлиқ»га қўшиб бирор қимматбаҳо совға бермасанг, лаб-тумшуғи осилиб кетадиганлар топилади».

Инсоннинг маънавий ва моддий дунёси оралиғидаги босқични — нафс босқичини жиловлай олмаслиги — эски муаммони — «бир қоп ун» ва «Фахрий ёрлиқ»ни тарозига қўйишга мажбур қилаверади.

Бундан қачон қутуламиз?

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

## МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ



*Ватан — муқаддас сўз, муқаддас диёр,*
*Бу беш ҳарф сўзда беш қитъа бисёр.*
*Унинг қучоғида яралган олам,*
*У менинг туғилиб топган кошонам.*

*Кўз очиб кўрганим жаннатмаконим,*
*Томиримда қоним, юрагим, жоним.*
*Бобуршоҳ дилида қолган армоним,*
*О, менинг Ватаним — Ўзбекистоним.*

*Онага қиёслаб бағрикенглигинг,*
*Кезаман бепоён далаларингни.*
*Ўйласам бамисли Аршга тенглигинг,*
*Дейманки, бахти бор болаларингни.*

*Тоза тупроғингда унган чечаклар,*
*Осмонимда учган оппоқ лайлаклар.*
*Толеингдан жўшиб қўшиқ айтгандек,*
*Шамолда тебранар азим тераклар.*

*Бир ҳовуч тупроғинг суртай кўзимга,*
*Сен менинг қалбимсан, менинг забоним.*
*Сен ўзинг ибтидо айтар сўзимга,*
*Эзгулик нурига тўлган осмоним.*

*Сен ҳақда ортиқ сўз айтолмам, чунки*
*Таърифинг айтмоққа тил лол Ватаним.*
*Сен сарбони оқил карвонсан, янги*
*Келажагинг порлоқ Ўзбекистоним.*

■ **Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА**

## МУСТАҚИЛЛИК



*Эркин ҳаёт, эркин замон,*
*Ҳамма бўлди омон-омон.*
*Ҳақиқатнинг олтин тожи*
*Ўзбекистон бўлди томон.*

*Бизлар доим бахтиёрмиз,*
*Яшаяпмиз бу диёрда.*
*Мустақиллик берган инъом*
*Ғунча очар бу гулзорда.*

*Мустақиллик доим бўлсин,*
*Қучоқлари гулга тўлсин.*
*Меҳнатсевар инсонларга*
*Бир умрга ҳамроҳ бўлсин.*

## ГУЛЛАР

*Очилибди ранго-ранг*
*Бизнинг боққа бир қаранг.*
*Қизил, оқ пушти гуллар,*
*Ҳавас қилар булбуллар.*

*Лола, чинни қизғалдоқ*
*Гўзалликда беадоқ.*
*Тўлдиради чаманни,*
*Тоза қилар осмонни.*

*Сизни кўрганим ҳамон*
*Қалбим шодликка макон.*
*Мафтунку сизга жаҳон,*
*Айланг боғларни бўстон.*

*Шабада келса аста*
*Ажиб қўшиқ айтасиз.*
*Фақат Муаттар учун*
*Болаликка қайтарсиз.*

■ **Муаттар ҲАЙИТОВА, 8-синф ўқувчиси**

## ҲАЙДОВЧИ ДЕДИ:

*ДАН ходими тўхташ тақиқланган жойда турган «Запорожец» олдига келиб ҳайдовчига деди:*
*— Сизнинг машинангизми?*
*— Меники.*
*— Минг сўм штраф.*
*Ҳайдовчининг пешонаси тиришди, бироз ўйлаб тургач, қўлини силтади:*
*— Яна 500 сўм қўшинг — машина сизники!*



***

*Маст киши милицияга қўнғироқ қилибди:*
*— Машинамни ўғри урибди: спидометр, тезликни алмаштириш дастаги, тормоз педали, магнитола, сигарет ёққич...*
*— Ҳозир етиб борамиз!*
*Бир неча минутдан сўнг бояги одам яна қўнғироқ қилди:*
*— Ҳаммаси жойида. Мен адашиб орқа ўриндиққа ўтирган эканман!*

■ **Тўпловчи: Нодира РАСУЛОВА**



«Интервью». **Шавкат АКРАМОВ** олган сурат

### ТУҒИЛГАН КУН

## КИМ? ҚАЧОН?

**17 ИЮЛЬ**

**Неъмат АМИНОВ** (1937) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

**Олимжон МАҲКАМОВ** (1937) — ёзувчи.

**Дилбар ИКРОМОВА** — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

**18 ИЮЛЬ**

**Эгамназар АКБАРОВ** (1976) — Дзю-до бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, мамлакат терма жамоаси аъзоси.

**Бахтиёр ЖЎРАЕВ** (1981) — «Сўғдиёна» футбол жамоаси ҳужумчиси.

**19 ИЮЛЬ**

**Дамир САЛИМОВ** (1937) — постановкачи-кинорежиссёр.

**Бахтиёр МУСАБОЕВ** (1977) — «Трактор» футбол жамоаси ҳимоячиси.

**20 ИЮЛЬ**

**Асадилла ДИЛМУРОДОВ** (1947) — ёзувчи.

**Малик МУРОДОВ** (1930) — адабиётшунос олим.

**Эркин КОМИЛОВ** (1946) — Ўзбекистон халқ артисти.

**Учқун ҚОБИЛОВ** (1978) — «Насаф» футбол жамоаси ҳимоячиси.

**21 ИЮЛЬ**

**Отабек ШОМУРОДОВ** (1974) — «Нефтчи» футбол жамоаси ярим ҳимоячиси.

**22 ИЮЛЬ**

**Гулгина ЗОКИРОВА** — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри солисти.

**Даврон ДУШАБОЕВ** (1981) — «Гулистон» футбол жамоаси ҳимоячиси.

**23 ИЮЛЬ**

**Азизжон ҲОШИМОВ** (1977) — «Сурхон» футбол жамоаси ярим ҳимоячиси.

**??? 133-12-56 !!!**

## САҚЛАШ МУДДАТИ САЛКАМ АБАДИЙ

Ақлий меҳнат натижаси ўлароқ инсоният жисмоний меҳнатдан халос бўлмоқда, 70-80 фоиз юмушлар замонавий технологияга юклатилган. Аммо шундай бўлса-да, муаммоларимиз мўл. Масалан, оддийгина ахборотларни келажак авлодлар учун сақлашни олиб кўрайлик. Ўзингизга маълумки, ҳозир информация ривожланган давр, лекин уларни сақлаш ҳали ривожланмаган. Ҳозирча китоб, дискет ва дисклардан фойдаланмоқдамиз холос. Лекин шуниси ачинарлики, улар абадий эмас-да. Маълум муддат ўтгач, китоб титилиб кетади, 200-300 йилдан сўнг эса бугунги кун информациялари ёзилган компьютер дискетлари у ёқда турсин ҳатто компакт-дисклар ҳам яроқсиз аҳволга келади. Хўш, нима қилиш керак?

Америкалик мутахассислар бунинг йўлини топишди: улар никелли диск яратишди. Матн унга гравюра тарзида ёзилади. Ҳар бир дискка тахминан 35 минг саҳифа матн сиғади ва уларни 2 мингдан 10 минг йилгача сақлаш мумкин экан.

■ **Меҳрихон МИРТОЛИБОВА** тайёрлади.


**O'ZBEKISTON havo yo'llari**

# МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «KLM Royal Dutch Airlines» (KL) ва «Northwest Airlines» (NW) авиакомпаниялари билан имзолаган битимларига мувофиқ, ушбу авиакомпанияларнинг Амстердамдан қатновларига қуйидаги йўналишлар ва тарифлар бўйича йўловчи авиаташувлари учун чипталарни Ўзбекистонда сотишга рухсат этилади:

*1. Амстердам — Нью-Йорк, Вашингтон, Бостон, Монреаль*
*16 сентябрдан 14 декабргача ва 6 январдан 14 июнгача бўлган даврларда — 200 USDдан 290 USDгача бир томонга.*
*15 июндан 15 сентябргача ва 15 декабрдан 5 январгача бўлган даврларда — 200 USDдан 290 USDгача бир томонга.*

*2. Амстердам — Атланта, Чикаго, Мемфис, Торонто*
*16 сентябрдан 14 декабргача ва 6 январдан 14 июнгача бўлган даврларда — 230 USDдан 320 USDгача бир томонга.*
*15 июндан 15 сентябргача ва 15 декабрдан 5 январгача бўлган даврларда — 310 USDдан 400 USDгача бир томонга.*

*3. Амстердам — Хьюстон, Детройд, Миннеаполис*
*16 сентябрдан 14 декабргача ва 6 январдан 14 июнгача бўлган даврларда — 250 USDдан 340 USDгача бир томонга.*
*15 июндан 15 сентябргача ва 15 декабрдан 5 январгача бўлган даврларда — 330 USDдан 420 USDгача бир томонга.*

*4. Амстердам — Лос-Анжелес, Сан-Франциско, Сиэтл, Ванкувер*
*16 сентябрдан 14 декабргача ва 6 январдан 14 июнгача — 275 USDдан 365 USDгача бир томонга.*
*15 июндан 15 сентябргача ва 15 декабрдан 5 январгача — 355 USDдан 445 USDгача бир томонга.*

**Ҳақ тўлаш эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади.**

**Сиз ўзингизга зарур йўналиш бўйича ягона чиптани Ҳаво алоқалари Бош агентлигининг кассаларидан олишингиз мумкин.**

*Манзил: Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 9-уй.*
*Тел.: 56-38-37, 066.*
*«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»:*
*ПУЛИНГИЗ ВА ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАЙСИЗ!*



# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ СИЗ АЗИЗЛАРНИ 2000 ЙИЛ 26 ИЮЛЬ КУНИ СОАТ 11⁰⁰ ДА ЎТКАЗИЛАДИГАН НАВБАТДАГИ**

## АУКЦИОН САВДОЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Савдоларга қуйидагилар қўйилади:**

1. Бекобод шаҳар «Бекободсувқурилишсаноат»га қарашли «ГАЗ-24», д-р 11АЕ622, бошланғич нархи — 79000 сўм.
2. Тошкент тумани, Марказий шифохонага қарашли «М-21412», д-р 11АВ057, бошланғич нархи — 40000 сўм.
3. «ИЖ-2715», д-р 82-44 ТШР, бошланғич нархи — 51000 сўм.
4. «РАФ-22031», д-р 11А1267, бошланғич нархи — 135000 сўм.
5. Бекобод тумани Марказий шифохонасига қарашли «УАЗ-3962», д-р 43-14 ТШМ, бошланғич нархи — 106000 сўм.
6. «РАФ-22031», д-р 40-52 ТШМ, бошланғич нархи — 135000 сўм.
7. «РАФ-22031», д-р 95-22 ТШН, бошланғич нархи — 135000 сўм.
8. Қибрай тумани Чинобод посёлкаси «Агрокимёсервис»га қарашли «ИЖ-2715», д-р 2608 ТШП, бошланғич нархи — 69000 сўм.
9. Бўстонлиқ туман, ХТБ га қарашли «УАЗ-3301», д-р 11АЛ172, бошланғич нархи — 79000 сўм.
10. Бўстонлиқ тумани ҳокимиятига қарашли «Лабо-24», д-р 79-26 ТШС, бошланғич нархи — 268000 сўм.
11. Бўстонлиқ тумани суғурта инспекциясига қарашли «ГАЗ-69», д-р 43-42 ТШС, бошланғич нархи — 33000 сўм.
12. Ўртачирчиқ тумани «Тўйтепагаз»га қарашли «ИЖ-2715», д-р 72-16 ТШР, бошланғич нархи — 29000 сўм.
13. Янгийўл туманида жойлашган «Сут булоғи» фермер хўжалиги, бошланғич нархи — 46126006 сўм.

**Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспорт воситалари ҳам шу савдода сотилиши мумкин.**

*МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел: 133-28-52, факс: 133-49-31.*



**Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали 2000 йил 26, 28 июль ва 11, 25 август кунлари соат 10⁰⁰ да кимошди савдоларини ўтказади.**

**САВДОГА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ҚУЙИДАГИ РУСУМЛИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ:**

«ПАЗ-672» автобуси, 1981 йил, **бошланғич нархи — 1 миллион 700 минг сўм.**
«КАВЗ-685» автобуси, 1989 йил, **бошланғич нархи — 582 250 сўм.**
«ММЗ-555», самосвали, 1983 йил, **бошланғич нархи — 595 минг сўм.**
«МАЗ-500», 1966 йил, **бошланғич нархи — 255 минг сўм.**
«ГАЗ-31029», 1994 йил, **бошланғич нархи — 1 миллион 105 минг сўм.**
«ДАМАС», 1996 йил, **бошланғич нархи — 796 минг 643 сўм.**

Шунингдек, Н. Саидова кўчаси, 8-уйда жойлашган «Мевасабзавот»-базаси, **бошланғич нархи — 22 миллион 100 минг сўм.**

Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0.04 га. бўлган ер майдонлари. **Бошланғич нархи — 269 339 сўм.**

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

*Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.*



**БОШ МУҲАРРИР**
Азим СУЮН

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**
*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*

**МУАССИС:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**
*Сиёсат — 133-44-55*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,*
*Факс — 133-73-43, 133-06-83*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-53-16;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
*Шоҳайдар Мирҳабибов*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
*Бахтиёр Жуманов*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
*Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
*Ҳажми 2 босма табоқ.*



«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.



Г — 602

*Топшириш вақти -- 21.00.*
*Топширилди -- 22.20*
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА